



ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маматов Бахадир Сафаралиевич

Тошкент молия институти доценти, DSc.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8001559>

ARTICLE INFO

Received: 26th May 2023

Accepted: 30th May 2023

Online: 31th May 2023

KEY WORDS

Пенсия, пенсия таъминоти, пенсия тизими, пенсия тўловлари, пенсия фондлари, самарадорлик, қопланиш коэффициенти, рисклар, пенсия миқдори, иш ҳақи миқдори, меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар сони, иқтисодий қарамлик коэффициенти, қамров коэффициенти, ижтимоий суғурта бадали, иқтисодий фаол аҳоли, ялпи ички маҳсулот.

ABSTRACT

Мазкур мақолада давлат пенсия таъминоти тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва баҳолаш услубияти очиб берилган. Пенсия тизимининг самарадорлик мезонлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги тадқиқ қилинган ҳамда пенсия тизимининг ҳолати ва истиқболларини унинг самарадорлиги мезонлари асосида таҳлил қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Кириш. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, пенсия тизими дунё аҳолисининг ижтимоий таъминоти соҳасидаги энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, муносиб пенсия миқдорларига эришиш, пенсияларини тайинлаш, пенсия таъминотининг қамровини ошириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, айниқса, бугунги шароитда долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон банки (World Bank) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO – International Labour Organization) маълумотларига кўра, «жаҳон миқёсида пенсия ёшига етган шахсларнинг 68 фоизигина пенсия таъминотидан баҳраманд, аммо аксарият мамлакатларда бундай тўловларнинг ҳажми кексаларнинг камбағалликдан қутилишига имкон бермайди» [1].

Давлат пенсия тизимида пенсионерлар учун муносиб ҳаёт даражасини таъминловчи самарали ва барқарор пенсия тизими яратиш мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Боз устига, ҳозирги иқтисодий шароитда Ўзбекистонда пенсия тизимининг молиявий ҳолати



барқарор эмаслиги ва демографик омиллар миллий пенсия тизимининг самарадорлигини ошириш зарурлигини тақозо этади.


Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Узоқ хорижлик иқтисодчи-олимлардан Jun Peng [2], Collin Campbell [3], Gemma Charlotte Tetlow [3] кабиларнинг илмий асарларида пенсия ва ижтимоий суғурта масалалари ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими тадқиқ қилинган.

Яқин хорижлик иқтисодчи-олимлардан В.Роик [3], С.Орлов, А.Шеметов [6], Хитъ Л.В. [7] илмий-тадқиқотларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий суғуртанинг аҳамияти ва зарурлиги, фуқаролар пенсия таъминотидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар, нодавлат пенсия суғуртаси тизимини ривожлантириш масалалари ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов, Н.Мажидов [8], Д.Рустамов [9], Ш.Ражабов [10] ларнинг илмий ишларида мамлакатимизда фуқаролар пенсия таъминоти тизими, жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари бўйича муҳим илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, кузатиш ва таққослаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Фуқаролар пенсия таъминотининг ҳозирги ҳолатига баҳо беришда унга таъсир этувчи рискларни таҳлил қилиш, пенсия тизимининг самарадорлигини баҳолаш асосида молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим вазифалардандир. Бугунги кунда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ рискларни ҳамда пенсия тизимининг самарадорлигини баҳолашда бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:



1-расм. Пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ рискларни ҳамда пенсия тизимининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари [11]



1. Қопланиш коэффициенти давлат пенсия таъминоти тизимида ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақиға нисбатини, яъни фуқароларнинг йўқотилган иш ҳақининг келгусида пенсия билан қопланиш даражасини ифодалайди ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_k = P_{\text{ўм}} / ИХ_{\text{ўм}} \quad (12)$$

Бу ерда: K_k – қопланиш коэффициенти;

$P_{\text{ўм}}$ – пенсиянинг йиллик ўртача миқдори;

$ИХ_{\text{ўм}}$ – иш ҳақининг йиллик ўртача миқдори.

Пенсия тизимида қопланиш коэффициенти «Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида»ги 102-сонли Конвенцияга мувофиқ 40 фоиздан кам бўлмаслиги тавсия этилган [13]. Аммо, қуйидаги 1-жадвалдаги маълумотлар асосида ушбу коэффициентнинг даражаси таҳлил қилинганда, Ўзбекистонда 2016 йилдан то 2022 йилгача бўлган даврларнинг бирортасида ҳам пенсия тизимида қопланиш коэффициентининг 40 фоизлик даражаси қайд этмаган.

Жумладан, 2016-2022 йиллар давомида ушбу коэффициент ўртача 32,9 фоизни ташкил этиб, талаб этилган халқаро меъёрдан 7,1 ф.п.га кам. Бундай ҳолат таҳлил қилинган давр мобайнида ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръати ўртача ойлик пенсия миқдорининг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги кўрсатади ва мамлакатимизда ҳанузгача муносиб пенсия миқдорларига эришилмаганлигини билдиради ва бу пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш нуқтаи назаридан салбий омилдир. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлардан фақатгина Озарбайжон (ўртача 45,8%) ва Қозоғистонда (ўртача 42,5%) қопланиш коэффициентининг даражаси талаб этилган халқаро меъёрдан юқоридир. Бу эса ушбу мамлакатларда пенсионерлар турмуш фаровонлигини янада яхшилаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи ва ўртача ойлик пенсия миқдори [14]

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1.	Жами аҳоли, млн. киши	31575,3	32120,5	32656,7	33255,5	33905,2	34558,9	35271,3
2.	Иқтисодий фаол аҳоли, млн. киши	14022,4	14357,3	14641,7	14876,4	14797,4	14980,7	15139,1
3.	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони	19348,9	19525,5	19700,9	19871,7	20043,3	20217,4	20402,4
4.	Иқтисодиётда бандлар, млн. киши	13298,4	13520,3	13273,1	13541,1	13236,4	13538,9	13835,8
5.	Пенсия ва ижтимоий нафақа	3324,2	3488,9	3690,3	3878,4	4029,3	4056,8	4346,3



	олувчилар, минг киши							
6.	Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори, минг сўмда	1293,8	1453,2	1822,7	2324,6	2673,3	3214,8	3892,4
7.	Тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори, минг сўмда	494,2	556,8	640,5	733,2	848,5	924,7	1045,3
8.	Қопланиш коэффициенти, %	38,2	38,3	35,1	31,5	31,7	28,8	26,9
9.	Расмий босим коэффициенти	17,2	17,9	18,7	19,5	20,1	20,1	21,3
10.	Иқтисодий қарамлик коэффициенти	4,0	3,9	3,6	3,5	3,3	3,3	3,2
11.	Қамров коэффициенти	42,1	42,1	40,6	40,7	39,0	39,2	39,2

2. Босим коэффициенти суғурталанган аҳолининг умумий сонида пенсия олувчилар улушини акс эттириб, меҳнатга лаёқатли аҳолига пенсия тўлови билан боғлиқ юклама даражасини ифодалайди ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$B_k = \text{ПНс} / \text{Млёа} \quad (2) [15]$$

Бу ерда: B_k – босим коэффициенти;

ПНс – пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони;

Млёа – меҳнатга лаёқатли ёшдагилар.

1-жадвалдаги маълумотлар асосида расмий (пенсионерлар сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга нисбати) босим коэффициентини аниқлаймиз. 2016-2022 йилларда расмий босим коэффициенти ўртача 19,3 фоизни. Бунда сўнгги йилларда пенсия ва нафақа олувчилар сонининг ўсиб борганлиги ҳисобига меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга тўғри келадиган пенсия юкламаси даражаси ўсиш суръатига эга бўлган. Аммо, ҳақиқий босим коэффициенти даражасининг (иш билан банд аҳоли сонининг пенсионерлар сонига нисбати) юқорилиги пенсия таъминоти билан суғурталанган фуқаролар сонининг нисбатан камлиги билан характерланади. Бундай ҳолат норасмий бандликни қонунийлаштириш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилишини тақозо этади. Буни иқтисодий қарамлик коэффициенти яққол кўрсатиб бера олади.

3. Иқтисодий қарамлик коэффициенти бир нафар ижтимоий суғурта бадали тўловчи (иш билан банд)га тўғри келувчи пенсионерлар сонини ифодалаб, ушбу коэффициент даражасининг юқори бўлиши фуқаролар пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигини акс эттиради ва аксинча. Ушбу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$I_{qk} = \text{Пса} / \text{ПНс} \quad (3) [16]$$



Бу ерда: Иқк – иқтисодий қарамлик коэффиценти;

ПНс – пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони

Пса – пенсия таъминоти мақсадида суғурталанган аҳоли сони.

1-жадвалдаги иш билан бандлар билан пенсия ва нафақа олувчилар сонига ўзаро нисбатида номутаносиблик юзага келганлигини кўриш мумкин, яъни коэффицент даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу пенсия тизимини барқарор ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади ва яширин ишсизликни бартараф этиш ва аҳоли бандлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўрилиши зарурлигини тақозо этади.

4. Қамров коэффиценти давлат пенсия таъминоти тизимида суғурталанганлар улушини кўрсатади ва қуйидагича аниқланади:

$$Қк = ИБс / ЖАс \quad (4) [17]$$


Бу ерда: Қк – қамров коэффиценти;

ЖАс – жами аҳоли сони;

ИБс – иқтисодиётда бандлар сони.

Иқтисодиётда бандлар сонининг пенсия таъминоти тизимидаги иштироки ва келажакда уларни пенсиялар билан таъминлаш қамрови даражаси 2022 йилда 39,2 фоизни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,9 фоизли пунктга пасайганлиги пенсионерларни ижтимоий ҳимоясини яхшилаш нуқтаи назаридан салбий ҳолатдир. Чунки, ушбу кўрсаткич Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра 1,0 коэффицент (100%)ни ташкил этиши тавсия этилган. Шундан келиб чиқиб, пенсия тизимида қамров даражасининг нисбатан пастлиги келажакда пенсионерларнинг реал даромадларини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, давлатнинг пенсия тайинлашда талаб этилувчи минимал иш (меҳнат) стажи даврига эга бўлмаган фуқароларга ижтимоий нафақалар тўлови учун харажатлар ҳажмининг ошиб боришига олиб келади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб ҳамда бу борадаги халқаро тажрибаларга таяниб, пенсия тизимининг самарадорлигини бешта мезон асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, уни фақат молиявий мувозанат нуқтаи назаридан кўриб чиқишга имкон беради (2-расм):



2-расм. Пенсия тизимининг самарадорлик мезонлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги¹

Пенсия тизими ушбу мезонларга жавоб бериши керак деб тахмин қилинади. Ушбу мезонларнинг натижаларини аниқлаш мамлакатда қабул қилинган иқтисодий сиёсат ва ижтимоий устуворликлар масаласидир. Агар пенсия тизими самарадорлик мезонларига жавоб бермаса ёки мувофиқ бўлмаса, унинг амал қилиш параметрларини ўзгартириш талаб этилади (бу пенсия ёшини белгилаш, мажбурий пенсия суғуртаси бўйича суғурта бадаллари ставкасини ўзгартириш, пенсия миқдорини аниқлаш тартибларига ўзгартириш киритиш кабилар бўлиши мумкин).


Пенсия таъминотининг тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган тизими шуни англатадики, инсон ҳаёти давомида истеъмол қилиши мумкин бўлган даромаднинг бир қисмидан воз кечади. Воз кечиш келажакда компенсация эвазига амалга оширилади ва бу биринчи навбатда пенсия миқдорига, иккинчидан уни олиш шартларига боғлиқдир. Агар пенсия ёши жуда юқори бўлса ва аксарият ишчи-ходимлар бу ёшгача омон қолмасалар, компенсация адолатсиз. Худди шунингдек, агар ишчи-ходимнинг пенсия билан таъминланиш даври қисқа бўлганда ҳам компенсация адолатсиз бўлади. Яъни, пенсиягача омон қолиш эҳтимоли ва унинг умр кўриш давомийлиги ҳам компенсация ҳисобланади. Шундай қилиб, таклиф этилаётган ёндашув доирасида пенсионерларнинг турмуш даражаси икки мезон билан тавсифланади: биринчидан, бевосита пенсионерларнинг турмуш даражаси мезони билан, иккинчидан, пенсия ёшини демографик асослаш мезони билан.

Фуқаролар пенсия таъминоти тизими фаолияти билан боғлиқ иқтисодий тараққиётда салбий омиллар (оқибатлар)нинг олдини олиш ёки уни камайтириш (минималлаштириш) унинг самарадорлигини аниқлаш учун таклиф қилинган 5 та мезондан 3 таси билан характерланади: иқтисодий таъминот ва демографик юкламаси ҳамда иқтисодий таъсири. Пенсия тизими самарадорлигининг барча

¹ Таҳлил натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

мезонлари унинг иқтисодий ўзаро таъсирлар таркибидаги ролини таҳлил қилишга имкон беради.

Фикримизча, таклиф этилган пенсия тизими самарадорлиги мезонлари асосида пенсия тизимининг ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш мумкин. Бунда, биринчи навбатда, пенсия қонунчилиги параметрлари белгиланади, шунингдек қўлланиладиган демографик ва иқтисодий сценарийлар кўриб чиқилади. Бундан ташқари, кўриб чиқиладиган пенсия тизими самарадорлигининг барча бешта мезонини тавсифловчи кўрсаткичлар натижаларининг чекланганлиги аниқланади. Ундан кейин пенсия қонунчилигининг ушбу параметрлари ва демографик ҳамда иқтисодий сценарийлар асосида ишлаш мезонлари бажарилишига оид масалага оидинлик киритилади. Буни қуйидаги 3-расм орқали тасвирлаймиз.



3-расм. Пенсия тизимининг ҳолати ва истиқболларинининг самарадорлиги мезонлари асосида таҳлил қилиш алгоритми²

Ушбу алгоритм бизга маълум бир демографик ва иқтисодий сценарийга мос келадиган пенсия қонунчилиги параметрларининг комбинациясини топиш, шунингдек пенсия тизимининг самарадорлиги мезонлари бўйича чекловларни белгилаш имконини беради. Бундай алгоритмдан фойдаланиш ушбу мақсадларга эришиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар. Давлат пенсия таъминоти тизимининг самарадорлигини ифода этувчи кўрсаткичларнинг натижалари: миллий пенсия тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини; амалдаги пенсия моделига бўлган ёндашувларни қайта кўриб чиқилишини; кўп босқичли пенсия таъминоти тизимининг жорий қилинишини ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигининг таъминланишини тақозо этмоқда. Шу билан бирга аҳоли умр кўриш даврининг узайиб бориши билан пенсия олувчилар сонининг табиий равишда кўпайиши бюджетдан

² Таҳлил натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатига ва унинг барқарорлиги ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Самарали пенсия тизими пенсионерларнинг мақбул турмуш даражасини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлаш имконини берадиган пенсия тизимини англатади ва айни пайтда пенсия мажбуриятларининг бажарилиши иқтисодий ривожланиш учун салбий оқибатларга олиб келмаслиги зарур.

Миллий пенсия таъминоти тизимининг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Норасмий иш билан бандларнинг меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш ва аҳолининг расмий бандлигини таъминлаш зарур;
2. Илғор хориж тажрибаларига таяниб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини яхшилаш ва пенсия тизимининг самарасини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январга қадар фуқароларнинг иш ҳақидан ундирилиб келинган ижтимоий суғурта бадалини қайта жорий қилиш лозим;

Пенсия миқдорларини ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш орқали пенсионерларни муносиб пенсия билан таъминлаш асосида қопланиш коэффициенти даражасини ошириш керак.

References:

1. Оценка системы социальной защиты в Узбекистане. На базе основного диагностического инструмента (CODI)/ Совместный отчет МОТ, ЮНИСЕФ и Всемирного банка, 2020. – С. 4.
2. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. – USA.: «Auerbach Publications», 2008. – 240 p.
3. Collin Campbell. Social Insurance in Figures 2018. Swedish Social Insurance Agency. – Stockholm, Sweden. 2018. – 70 p.
4. Gemma Charlotte Tetlow. Essays on the Economics of Retirement and Pensions. A dissertation submitted in partial fulfilment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy of University College London. – England: Department of Economics University College London. 2015. – 224 p.
5. Роик В. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 350 с.
6. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: «КГУ», 2013. – 106 с.
7. Хить Л.В. Комплексная оценка эффективности пенсионной системы как приоритетное направление социально-экономической политики России. // Ж. Теория и практика общественного развития. 2010. №2. – С. 272-273.
8. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: «Университет», 2017. – 128 б.
9. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: «Иқтисод-молия», 2018. – 200 б.



10. Ражабов Ш.У. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2021. – 71 б.
11. Хить Л.В. Комплексная оценка эффективности пенсионной системы как приоритетное направление социально-экономической политики России. // Ж. Теория и практика общественного развития. 2010. №2. – С. 272-273. асосида тадқиқотчи томонидан шакллантирилган.
12. Хить Л.В. Комплексная оценка эффективности пенсионной системы как приоритетное направление социально-экономической политики России. // Ж. Теория и практика общественного развития. 2010. №2. – С. 273-274.
13. Конвенция N102 Международной организации труда «О минимальных нормах социального обеспечения». Статья 67. (Заключено в г. Женева 28.06.1952). Приложение к разделу XI периодические выплаты типовому бенефициарию. – С. 21.
14. [Ijtimoiy soha \(stat.uz\)](http://ijtimoiy.soha.stat.uz).
15. https://studme.org/133572/strahovoe_delo/pokazateli_kriterii_harakterizuyuschie_pensionnye_sistemy.
16. Хить Л.В. Комплексная оценка эффективности пенсионной системы как приоритетное направление социально-экономической политики России. // Ж. Теория и практика общественного развития. 2010. №2. – С. 272-273.
17. Хить Л.В. Комплексная оценка эффективности пенсионной системы как приоритетное направление социально-экономической политики России. // Ж. Теория и практика общественного развития. 2010. №2. – С. 272-273.